

**Хусусийлаштирилган автомобил ёнилги қуиши шахобчаларига  
нефт махсулотларини етказиб бериш хақида**  
**ШАРТНОМА № 28**

К.Шалола

«07» январь 2022 ийл

Бундан кейин «Сотувчи» деб аталувчи «Чинобод нефт база» МЧЖнинг директори Муржанов С.Т. бир томондан, хамда бундан кейин «Харидор» деб аталувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси номидан низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи Расулов Т.О., иккинчи томондан қуидагилар тугрисида шартномани туздилар.

### **1.УМУМИЙ КОИДАЛАР**

1.1. «Сотувчи» «Харидор» га қуидаги нефт махсулотларини сотади:

Нефт махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Тахминий микдори	Нархи	Сифати (ГОСТ-ТУ)	Умумий суммаси
АИ-91	литр	10 000	9 100		91 000 000
АИ-95	литр	10 000	10 718		107 180 000
<b>Жами</b>					<b>198 180 000</b>

1.2. Шартноманинг умумий тахминий суммаси **198 180 000** (Бир юз тўқсон саккиз миллион бир юз саксон минг) сўмни ташкил этади шу жумладан КҚС билан.

Шартнома суммаси нефт махсулотларини “Сотувчи” таъмонидан биржа савдолари орқали сотиб олиш нархлари, нефт махсулотини ташиш билан боғлик темир йул харажатлари Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Молия Вазирлиги қарорларига асосан ўзгартирилганда ёки нефт махсулотлари таъминоти корхоналарнинг устама нархлари ўзгарганда, ёхуд нархлар бошқа объектив сабабларга кўра ўзгарганда шартноманинг умумий киймати ўзгаради ва бу хақида шартномага ўзгариш киритиш учун қўшимча келишув битими тузилади.

«Сотувчи» истеъмолчининг хусусий АЁКШларига нефт махсулотларини ушбу шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган микдорда кунлик таксимотга асосан нефт базада мавжуд бўлган манбаалардан келиб чиккан холда етказиб беради. (Кунлик етказиб бериш микдори кўпайиши ёки камайиши мумкин).

«Харидор» нефт махсулотларини факат хусусийлаштирилган тургун ва контейнерли автомобиль ёнилгиси қуиши шахобчаларида сотади.

“Харидор” доимий равишда “Чинобод нефт база” МЧЖнинг тегишли сайдларига киритилаётган ўзгаришлар, маълумотлар манбаси тўғрисида хабардор бўлиши лозим. Сотилаётган нефт махсулотларининг нархи ўзгарганилиги тўғрисидаги маълумотлар жамиятнинг <http://chinobod.uz/> сайтида расман эълон қилиниши холати, истеъмолчиларнинг хабардор килинганилигидан далолат беради.

### **2. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

2.1. Ушбу шартнома «Сотувчи» билан «Харидор» ўртасида ўзаро хисоб- китоблар

учун асос хисобланади. Хисоб-китоблар тўлов топширикномаси оркали амалга оширилади.

«Харидор» оладиган нефт махсулотлари учун «Сотувчи» хисоб-китоб ракамига олдиндан 100% маблағлар ўтказиш йўли билан белгиланган тартибда хак тўлаш мажбуриятини олади.

Жамиятнинг хисоб-китоб ракамига маблағлар келиб тушгач, «Сотувчи» «Харидорга» махсулотларни беради.

### 3. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. «Сотувчи» «Харидорга» нефт махсулотларини сотиш вактида 1.1. бандида кўрсатилган микдордаги махсулотни келишилган нархда махсуслаштирилган автотранспортда етказиб беради.

3.2. Нефт махсулотларининг ушбу шартномада кайд этилган нархлари ўзгарган тақдирда «Сотувчи» «Харидор»ни бу хақида ўз вактида ёзма равища хабардор килади.

3.3. Махсулотни етказиб бериш махсулот микдори ва сифати сакланган холда "Сотувчи" махсус автотранспортида «Харидор»нинг ўзи (экспедитори) олиб чиқиб кетиш шарти билан амалга оширилади.

3.4. "Харидор" сотиб олган нефт махсулотларини ўзининг махсуслаштирилган автотранспортида техник ва ёнгин хавфсизлик коидалари нормаларига тўлиқ роия қилгани холда нефтебазадан олиб чиқиб кетиш хукукига эга. Ушбу холатда "Сотувчи" хар қандай жавобгарликдан озод қilanади.

3.5. Эгалик хукуки, тасодифий нобуд булиши, махсулотга зиён этиш хавфи «Сотувчи» корхонаси худудидан чиккан вактдан бошлаб ўтади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Шартноманинг хар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.

«Сотувчи» «Харидорга» сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефт махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Хар икки томон нефт махсулотларини етказиб бериш ва кабул килишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади. «Етказиб берувчи» айби билан сифати буйича амалдаги стандартлар, техник шартлар талабига тугри келмайдиган нефт махсулотлари етказиб берилганда, «Харидор» нефт махсулотларини кабул килишдан бош тортиш, «Сотувчи»дан талаб даражасида булмаган нефт махсулотларини кийматини 20 фоизи микдорида жарима ундириш, агар махсулот киймати туланган булса, белгиланган тартибда туланган маблагни талаб килиш хукукига эга. Нефт махсулотларини хисоб — китоби ва таркатилиши амалдаги конун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.

4.2. «Харидор» нефт махсулотларини саклашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун, шунингдек уларнинг белгиланган нархга ва сифатига риоя қилган хамда тасдикланган стандартга мувофиқ ахолига узлуксиз сотилиши учун амалдаги конунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

4.3. «Харидор» шартномада курсатилган микдорга асосан тузилган кунлик тахминий мыйдор жадвалида курсатилган микдорни уз вактида олиб кетиш чорасини курмаса, олинмай колинган микдор кейинги кунларда копланмайди.

4.5. «Харидор» томонидан унинг худудига олиб келинган нефт махсулотларининг кабул килишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тулик амал килиниши таъминланади.

4.6. Ушбу боб билан мулкий жавбгарлик белгиланмаган баҳсларни хал этиш бевосита икки томон иштироқида мулоҳазаларида хал этилади. Келишувчиликка келинмаган холларда баҳслар Ўзбекистон Республикаси Конунида кўрсатилганидек худудий иқтисодий судларида хал этилади.

Томонлар келишмовчилиги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик субъектларини хукукий шартномавий фаолияти тўғрисида»ги Конунга асосан кўриб чикилади.

## 5. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1. Хар икки томон хам қуидаги холатларда мажбуриятларни бажарилмаган-ликда жавобгарликка тортилмайдылар - агарда табиий оғат, сув тошкени, ёнгин, зилзила ва бошкалар оқибатида юз берса, нефтни кайта ишиш заводлари, «Узбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек югори ташкилотлар томонидан етказиб бериш хажми ва муддати узгартырғанды, шунингдек АЁКШлар ва нефт база фаолияти текширувчи органлар томонидан вактненчалик тұхтатиб қўйилғанда, Ўзбекистон Республикаси хукумати, Вазирлар Махкамаси ва бошка конунни белгиловчи ташкилотлар карорига асосан нефт махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартыриш киритилган холларда.

## 6. КУШИМЧА ШАРТЛАР

6.1 «Харидор» томонидан 30 календар күн давомида узлуксиз рационале нефт махсулотларини сотиб олиш, олдиндан бу хакида ёзма рационале «Сотувчи» ни огохлантирмаган холда тұхтатиб қўйилғанда, ушбу шартнома муддатидан олдин апелляция хукукисиз бекор килинади.

## 7. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БУЛИШИННИ ТУХТАТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича барча келишмовчиликлар ва низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан хал килинади, Мустакил рационале хал килиб бўлмайдиган низоли масалалар пайдо бўлган холларда улар туманлараро иктисадий суд оркали куриб чикилади.

7.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 марта хакикийдир

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

### «СОТУВЧИ»

«Чинобод нефт базаси» УК

Кибрай тумани, «Кизил шалола» киш  
702145

Шайхантохурский филиал  
ЧЗАКБ «ORIENT FINANS»  
ИНН 200605317 МФО 01115

ОКОНХ 71150

Нефт махсулот тулов учун  
x/r 20 210 000 200 190 664 001

Директор

Муржанов С.Т.

### «ХАРИДОР»

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Администрацияси Давлат резиденцияларига  
хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил  
этиш бошқармаси

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI  
ADMINISTRASIYASI "DAVLAT REZIDENSIALARIGA XIZMAT  
KO'RSATISH VA TADBIRLARNI TASHKIL ETISH BOSHQARMASI"  
100142 Toshkent sh. Sultoniyah ko'chasi, 24 Telefon: 238-22-99 faks: 238-23-73  
STIR: 200542111, OKED: 81100 O'z.R Moliya Vazirligi G'aznachiligi SVIF: 201122919  
shg'h: 400110860262697069908015002  
shg'h: 100010860262697069908015001  
shg'h: 100010860262697011501015003  
yag'h: 23 402 000 300 100 001 010  
Bank nomi: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi  
Hisob-kitob kassa markazi Banknomi: 010122919

Бошқарма бошлиғи

Расулов Т.О.

## ХУЛОСА

Ушбу шартномани Узбекистон Республикасида нефт махсулотлари етказиб бериш хакида умумий коидалар 437-456 моддалари ва 29.08.1998 йилдаги «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» конун тадабларига жавоб беради.

Мутахассис-хукушунос

